

# РЕГЛАМЕНТ

Ушбу регламент POS-терминалини олиш хизматидан фойдаланиш учун маълумот ва танишув характериға эға.

## 1. Хизмат (паспорт) тавсифлари

### 1.1. Хизмат номи

POS-терминалини олиш учун онлайн ариза.

### 1.2. Хизмат натижаси

POS-терминалини олиш учун ариза берилгандан сўнг банк аризачининг электрон почтасига кредит олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхатини ва уларни тўлдириш бўйича талабларни юборади.

### 1.3. Ҳуқуқий асослар

POS-терминалини олиш учун зарурий ҳужжатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қарори ва “Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан амалга оширилади.

### 1.4. Хизматдан фойдаланувчилар

POS-терминалини олиш учун зарурий ҳужжатлар рўйхати якка тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик ташкилотлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, шунингдек оилавий ташкилотларга тақдим қилинади.

### 1.5. Бажариш муддати

Ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати ариза топширилган вақтдан бошлаб 30 кундан ортиқ бўлмаган вақтда амалда бўлган қонунчилик талаблари ва норматив ҳужжатларга мувофиқ тарзда белгиланади.

## **2. Хизматдан фойдаланувчиларни хабардор қилиш.**

### **2.1. Кенг тарзда хабардор қилиш**

POS-терминали ҳақидаги маълумотларни АТ Халқ банкнинг веб-сайтидан ([www.xb.uz](http://www.xb.uz)) олиш мумкин.

### **2.2. Хизмат кўрсатиш жойида хабардор қилиш**

POS-терминалини ҳақидаги батафсилроқ маълумотларни АТ Халқ банкнинг филиалларидан бевосита олиш мумкин. Манзиллар рўйхати АТ Халқ банкнинг веб-сайтида ([www.xb.uz](http://www.xb.uz)) келтирилади.

## **3. Хизмат кўрсатиш**

### **3.1. Иш вақти**

Банкнинг 9-00 дан 18-00 гача белгиланган иш вақти мобайнида тайёрланади ва юборилади.

## **4. Хизмат кўрсатиш жараёни**

### **4.1. Кредитни тақдим қилишни рад этиш учун асослар**

Хизмат кўрсатишни рад этишнинг эҳтимолий сабаблари: Аризачининг кичик тадбиркорлик субъектлари хусусиятларига мувофиқ келмаслиги; POS-терминал хизмат кўрсатиш шартларига мувофиқ келмаслиги.